



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2025-yil 5-aprel, shanba,  
40 (24.066)-son

Hech bir mintaqa  
keng xalqaro  
hamkorlik  
murakkab  
masalalarni  
mustaqil holda  
hal etishga qodir  
emas.

Shavkat  
MIRZIYOYEV.

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews\_uz https://twitter.com/zarnews\_uz



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

**Хурматли делегациялар раҳбарлари!  
Хурматли форум иштирокчилари!  
Хонимлар ва жаноблар!**

Барчангизни бугунги даврдаги асосий таҳдид – глобал иқлим ўзгаришларига бағишланган конференциямизда чин юракдан кутлайман.

Хурматли ҳамкасбларим – Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари етакчилари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан қатнашаётган бизнинг ишончли ҳамкорларимиз, халқаро молия институтлари, глобал ва миллий экологик ташкилотлар вакилларига ушбу тадбирда иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларнинг форумдаги иштирокингиз барқарор ривожланишнинг энг долзарб масалалари бўйича самарали ечимлар излашда биргаликда сазъ-ҳаракатлар олиб боришга содиқлик намунасидир.

Ишончим комил, бу заминда, асрлар давомида янги ғоя ва билимлар яратилган, ишонч ва бунёдкор шериклик марказларидан бири бўлган қадимий Самарқандда биз иқлим соҳасидаги замонавий таҳдидларга қарши курашиш бўйича биргаликда таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқа оламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Самарқандга хуш келибсиз!

**Хурматли форум иштирокчилари!**

Ўтган йили сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати биринчи марта Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқориқроқ кўтарилди. Сўнги ўн йиллик бутун метеокузатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсирлари – ўрмон ёнғинлари ва чўлраниш миқёси ортиб бораётгани, музликлар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳис қилиб турибмиз.

Таъкидлаб айтаман, **атроф-муҳитни асраб-авайлашда масъулият барчамизнинг зиммамизда. Бу кун тартибимиздаги энг муҳим масаладир.**

Марказий Осиё мамлакатлари томонидан иқлим ўзгаришларига мослашиш бўйича стратегия ишлаб чиқилган ва бир овоздан маъқулланганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон минтақадаги барча шериклар билан умумий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича яқиндан ишлаш ниятидадир.

Биз, шунингдек, Европа томони билан Орол денгизи куриши оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилонга фойдаланиш, “тоза” энергия манбаларини кенгайтириш дастурлари доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қиламиз. Бундай шериклик Марказий Осиёда барқарор “яшил” ривожланишга муҳим ҳисса қўшади.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда Европа Иттифоқи иқлим ўзгаришларига қарши курашиш масалаларини илгари суриш ва ҳимоя қилишда глобал етакчидир. Биз келгусида ҳам бу соҳадаги амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёрмиз.

**Хурматли хонимлар ва жаноблар!**

Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Минтақа аҳолиси 25 йилдан сўнг 100 миллион кишидан ортиши кутилаётган бир вақтда умумий ерлар тез сурулган билан қисқариб бормоқда.

Бугунги кунда минтақадаги умумий ер майдонининг 20 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Чорак асрдан кейин ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиб кетиши мумкин.

Шу муносабат билан, ўрмон хўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, “Уфқ – Европа” дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

**Ҳар йили Наврўз байрами арафасида дарахт экиш бўйича “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” минтақавий акциясини**

**Ўтказишни тақлиф этаман.**

Аминманки, унинг ташкил этилиши бизнинг эзгу аънъанамизга ва табиий офатларга қарши курашдаги бирлигимиз тимсолига айланади.

**Хурматли форум иштирокчилари!**

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтишни бошлади.

Бу борадаги энг муҳим йўналишлардан бири – “яшил” энергетикадир. Яқин беш йилда қайта тикланадиган манбалардан олинадиган энергия улушини 54 фоизга етказишни нўлжаллашмиз. Бу атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради.

Биз Ўзбекистоннинг Париж битими доирасида буғ газлари чиқаришни 35 фоизга камайтириш бўйича олган мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун барча сазъ-ҳаракатларимизни ишга солишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, биз бу маррада тўхтаб қолмоқчи эмасмиз.

Молиялаштириш, технологиялар ва компетенцияларни сафарбар қилиш мақсадида Тошкент шаҳрида Европа Иттифоқининг “Сув – Энергия – Иқлим ўзгариши” деб номланган ташаббусининг котибиятини ташкил қилишни тақлиф этамиз.

Бундан ташқари, умумий стратегик вазифаларни амалга ошириш доирасида мазкур форумда минтақанинг “яшил” тараққиёт концепцияси тақдим этилади. Ишонаманки, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши Марказий Осиёнинг экологик йўналтирилган тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратадир.

**Хурматли делегациялар аъзолари!**

Таҳлилларга кўра, Амударё ва Сирдарёда сув оқими камайиши натижасида 2040 йилга бориб Марказий Осиё мамлакатлари юқори даражадаги сув тақчиллигига дуч келади.

Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фожиаларидан бири – Орол денгизи куриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз.

Биз сув ресурсларини тежай мақсадида ирригация тизимларини бетонлаштиришмиз. Сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича санъат базасини яратдик, суғориладиган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологияларни жорий этдик (бу салкам икки миллион гектар ер майдони демекдир). Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 8 миллиард метр куб сувни тежайшга муваффақ бўлдик.

Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги сазъ-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурни ишга туширишга қадамимиз.

Бу режаларнинг барчасини экспертлар муҳокамасидан ўтказиш учун Оролбўйи минтақасида халқаро форум ўтказишни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, музликларнинг ҳолати ва минтақадаги тоғ экотизимларида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш учун сувий йўлдош орқали узлуксиз кузатувларни йўлга қўйиш бўйича “Коперник” дастури доирасида Европа Иттифоқи билан яқин ҳамкорликка умид қиламиз.

Тошкентдаги “Яшил университет” базасида яратилган Иқлим резиденцияси Марказий Осиёда кечаётган иқлим жараёнларини ўрганиш ва мониторинг қилиш бўйича умумий илмий-экспертлик платформаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, эртага Нукус шаҳрида минтақамизнинг экологик муаммоларига санъат соҳасидаги лойиҳалар орқали эътиборни жалб этишга қаратилган Орол маданият саммити ўз ишини бошлайди.

**Қадрли дўстлар!**

Сўзининг ниҳоясида **“Биз Ерни аждодларимиздан мерос сифатида эмас, балки фарзандларимиздан қарзга олганмиз”**, деган машҳур ҳикматли иборани эслатиб ўтишни истар эдим. Бугунги кунда бизнинг вазифамиз – келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаши учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат.

Бунинг учун мулоқотларни мустаҳкамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг сазъ-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур.

Эътиборингиз учун раҳмат!



## Yevropa Ittifoqi yetakchilari Samarqandda

**“Markaziy Osiyo – Yevropa Ittifoqi” birinchi sammitida ishtirok etish uchun mamlakatimizga tashrif buyurgan Yevropa kengashi Prezidenti Antoniu Koshta va Yevropa komissiyasi Prezidenti Ursula fon der Lyayen O‘zbekiston Bosh vaziri A.Aripov hamrohligida Samarqand shahridagi Mirzo Ulug‘bek rasadxonasi, Amir Temur maqbarasi va Registon majmuasida bo‘ldi.**

Mazkur obidalar bilan tanishuv chog‘ida sohibqiron Amir Temurning kuchli markazlashgan davlat barpo etish borasidagi faoliyati va o‘sha davrda Yevropa davlatlari hukmdorlari bilan yo‘lga qo‘ygan do‘stona munosabatlari, Mirzo Ulug‘bekning davlat arbobi va astronom sifatidagi faoliyati haqida ma‘lumot berildi. Shuningdek, Samarqandda amalga oshirilgan ulkan bunyodkorlik ishlari hamda bugungi kunga qadar saqlanib qolgan tarixiy bino va inshootlar to‘g‘risida so‘z yuritildi.

Yevropa kengashi va komissiyasi yetakchilari

O‘zbekiston zamini qadimiy sivilizatsiya beshiklaridan biri sifatida insoniyat taraqqiyotida muhim o‘rin tutganligini ta’kidlab, aجدodlarning noyob aql-zakovati, bunyodkorlik salohiyati mahsuli bo‘lgan tarixiy-madaniy yodgorliklarni asrab-avaylash borasida bugungi avlod tomonidan olib borilayotgan ishlarni yuqori baholadilar.

Yuqori martabali mehmonlar ushbu obyektlar bilan tanishuv jarayonida ayni paytda Samarqandda bo‘lib turgan yevropalik sayyohlar bilan ham suhbatlashib, ulning bu qadimiy kent haqidagi taassurotlarini eshitdi, birgalikda suratga tushdilar.

## Markaziy Osiyo va Yevropa Ittifoqi munosabatlari

Strategik sheriklik sari muhim qadam

**4-aprel kuni Samarqand shahrida Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida “Markaziy Osiyo - Yevropa Ittifoqi” birinchi sammiti bo‘lib o‘tdi.**

“Kelajakka investitsiyalar” shiori ostida o‘tgan tadbirda Yevropa kengashi Prezidenti Antoniu Koshta, Yevropa komissiyasi Prezidenti Ursula fon der Lyayen, Qozog‘iston Respublikasi Prezidenti Qasim-Jomart Toqayev, Qirg‘iz Respublikasi Prezidenti Sadir Japarov, Tojikiston Respublikasi Prezidenti Emomali Rahmon, Turkmaniston Prezidenti Serdar Berdimuhamedov, shuningdek, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki hamda Yevropa investitsiya banki rahbarlari ishtirok etdi.

Kun tartibiga muvofiq, Markaziy Osiyo davlatlari va Yevropa Ittifoqi o‘rtasidagi ko‘p qirrali munosabatlar va amaliy hamkorlikni rivojlantirish is-tiqbollari ko‘rib chiqildi, xalqaro va mintaqaviy siyosatning dolzarb jihatlari yuzasidan fikr almashildi.

Investitsiyaviy hamkorlikni kengaytirish va tovar ayiribosh-lashni ko‘paytirish, innovatsiyalar, “yashil” energetika, tog‘-

kon, qishloq xo‘jaligi, transport, logistika va raqamlashtirish sohasida qo‘shma dastur va kooperatsiya loyihalarini ilgari surish, madaniyat, turizm, fan, ta’lim va boshqa ustuvor yo‘nalishlarda faol almashinuv-larni davom ettirish masalalari-ga alohida e’tibor qaratildi.

Davlatimiz rahbari tadbirni ochar ekan, Markaziy Osiyo va Yevropa o‘rtasidagi chuqur tarixiy ildizlarda ega munosabatlar jadal rivojlanib, mustahkamlab borayotganini mamnuniyat bilan qayd etdi.

Tadbirda Yevropa ken-gashi va Yevropa komissiyasi prezidentlari, Qozog‘iston, Qirg‘iz Respublikasi, Tojikiston va Turkmaniston yetakchilari Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki rahbarlari kun tartibidagi masala yuzasidan o‘z fikrlari, taklif va tashabbuslarini bildirdi.

Sammit yakunida ikki minta-qa o‘rtasida strategik sheriklik munosabatlari o‘rnatishni nazarda tutuvchi Qo‘shma deklaratsiya qabul qilindi.

## Umumiy farovonlik uchun birlashib...

**4-aprel kuni Samarqand xalqaro iqlim forumi o‘z ishini boshladi.**

“Markaziy Osiyo global iqlim muammolariga duch kelmoqda: barqaror rivojlanish va farovonlik uchun mintaqaviy birdamlikni mustahkamlash” mavzusi ostidagi forum ishida Yevropa kengashi va Yevropa komissiyasi hamda Markaziy Osiyo davlatlari prezidentlari, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki rahbari, BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar, 26 davlat vakillari qatnashdi. Ishtirokchilar orasida 2 mingdan ortiq xorijiy mehmonlar, jumladan, milliy va global ekologik tashkilotlar, xalqaro tuz-ilmalar rahbarlari, ekspertlar, olimlar va jurnalistlar, biznes vakillari bor.

Forumning yalpi sessiyasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev nutq so‘zlad.

BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish forum ishtirokchilariga videomurojaat yo‘lladi.

Yalpi yig‘ilishdan so‘ng forum “Yashil iqtisodiyot — barqaror rivojlanishga yo‘l”, “Iqlim muammolariga javoban Markaziy Osiyoning biologik xilma-xilligi va tabiiy ekotizimlarini saqlash”, “Yashil energiya: barqaror va ekologik rivojlanish asosi”, “Markaziy Osiyoda iqlim o‘zgarishi sharoitida suv resurslarini kompleks boshqarish” kabi yetti sessiyada o‘z ishini davom ettirdi.

Bugun forum yakunlari bo‘yicha “Yashil” rivojlanishning mintaqaviy kon-sepsiyasi taqdimoti rejalashtirilgan.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

## Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Сизларни “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” биринчи саммитида қутлашдан гоят мамнунман. Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта Жаноби Олийларига, Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Хоним Олияларига, менинг барча ҳамкасбларим – минтақа мамлакатлари етакчиларига саммитни айнан шу заминда, қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказиш борасидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдираман.

Кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг асосий йўллари чорраҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган.

Бу ҳақда кўплаб тарихий далиллар мавжуд. Масалан, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотларни йўлга қўйган. Бизнинг Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимиз жаҳон, жумладан, Европа илм-фани ва фалсафаси ривожига бекиёс ҳисса қўшганини албатта қайд этмасдан ўтолмаймиз.

Бугун мен мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бизнинг чуқур тарихий илдишларга эга бўлган муносабатларимиз ҳозирги замон шароитида жадал ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Шу кунларда бўлиб ўтган очиқ, конструктив ва самарали учрашувлар мамлакатларимиз ва минтақаларимиз манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган сиёсий иродамиз ва қатъиятимизни яна бир бор намоён этди.

Европа Иттифоқи асосий институтлари раҳбарларига ўзаро англашув ва Марказий Осиеда интеграцияга барқарор тараққиёт жараёниларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Мен бу залда аънанавий шерикларимиз – Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Рено-Басо ва Европа инвестиция банки вакиллари кўриб турганимдан ҳам хурсандман. Ушбу молия институтларининг “Келажакка сармоялар” шиори остида ўтаётган бугунги саммитимизнинг вазифа ва қарорларини илгари суришдаги роли ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки муносабатлари тўхтаб ётганини қайд этишни истар эдим. Бугун эса биз банкнинг энг йирик бенефициарларидан биримиз.

## Хурматли ҳамкасблар!

Ашхобдадаги учрашувлар якунлари бўйича бизнинг вазирлар ва экспертларимиз кўп томонлама ҳамкорликнинг барча асосий йўналишларини қамраб олган саммит кун тартибини тайёрлашди.

Шунингдек, биз бугун Марказий Осие дуч келаётган замонавий экологик таҳдидларга бағишланган Самарқанд иқлим форуми ялпи сессиясида ҳам биргаликда иштирок этамиз.

## Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Бизнинг учрашувимиз жадал ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган глобал жараёнлар шароитида ўтмоқда.

Биз геосиёсий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий можароларнинг ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий таҳдидларнинг қулайишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Аёнки, ҳеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни мустақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас.

Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, Марказий Осие ва Европа Иттифоқи аънанавий шериклар бўлиб, ўзаро яқин ҳамкорлик учун талаб фақат ўсиб бормоқда. Биз ҳам Европа томони каби халқаро ҳуқуқнинг тамойил ва меъёрларига содиқлигимизни билдираемиз.

Украина атрофидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнлари бошланганини олқишлаймиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Олдинда жуда мураккаб ва ечими осон бўлмаган масалалар турганини тушунамиз.

Бироқ дипломатик саъй-ҳаракатлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишдан бошқа муқобил йўлни биз кўрмаймиз.

## Хурматли ҳамкасблар!

Умумий сиёсий иродамиз тудайли барқарор ва орта қайтмас тус олган Марказий Осиедаги чуқур трансформация жараёнлари кўпқиррали ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди. Ушанда ҳеч қим яқин келажакда биз Европа етакчилари билан музокараларда

минтақамизни биргаликда намоён этишимизни тасаввур ҳам қила олмас эди.

Марказий Осиенинг очиклиги ва барча шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани минтақада хавфсизлик ва фаровонлиқни таъминлашнинг энг муҳим шартига айланди.

Шу йил сентябрь ойида биз Тошкентда минтақадаги давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувини ўтказамиз ва унинг доирасида умумий кун тартибидagi барча долзарб вазифаларни очик ва конструктив ҳал қиламиз.

Бугунги саммитимиз арафасида тарихий воқеалар бўлиб ўтганини алоҳида қайд этишни истардим. Бу ўринда гап Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегаралари масаласи тўлиқ ҳал этилгани ва делимитация қилиш бўйича келишувлар имзолангани ҳақида бормоқда.

Яна бир бор ҳурматли ҳамкасбларим Эмомали Шарипович Раҳмон ва Садир Нурғожоевич Жапаровни самимий табриқлайман.

Биз биргаликда минтақада йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошираётганимизни таъкидлаш жоиз. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма инвестиция жамғармалари ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Минтақада ички савдо ҳажми ошиб бормоқда. Уларни рағбатлантириш учун чегараолди савдо зоналари яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ва бутун минтақамизнинг барқарор иқтисодий тараққиётига имкон яратаётганини таъкидлашни истар эдим.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бу йил олти фоизгача етади ва бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир. Жумладан, Ўзбекистонда sanoatlashтириш, инфратузилмаларга сармоялар киритиш, иқтисодий либераллаштириш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим бўйича аламушварлари қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамкорликдаги ишларимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Биз мамлакатларимизда етакчи миллий ўқув муассасаларининг филиалларини очяпмиз. Хорижий сайёҳлар учун ягона Марказий Осие визаси лойиҳасини илгари суряпмиз.

## Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Бизнинг илк саммитимиз Қозоғистон ва Қирғизистонда муваффақиятли ўтган Марказий Осие ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккита учрашувининг манткий давомидир. Ушбу мулоқотлар ҳар икки томоннинг мафоидаларини тушушни ва шерикликнинг умумий йўналишларини белгилаб олиш учун фойдали бўлди. Сунги йилларда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик сезиларли фаоллашгани кузатилаётганини қайд этмоқчиман.

Кейинги етти йилда Марказий Осие мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Ҳамкорликнинг самарали платформалари ишга туширилди. Барча муҳим йўналишларда вазирлар иштирокида мажлислар, форумлар, саммитлар ва конференциялар доимий ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ушбу учрашув кўпқиррали муносабатларимиз ривожига янги босқичнинг ўзига ҳош бошланиш нуқтаси бўлиши лозим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан, ўрта ва узоқ муддатли истикболда ҳамкорликдаги ишларимизнинг биз учун устувор йўналишларини кўрсатиб ўтишни истар эдим.

**Биринчи. Бу – сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва инвестициялар, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари.**

Саммит якунлари бўйича Марказий Осие ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида тарихий қарор қабул қилинади. Қабул қилинадиган ҳужжатнинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комилки, бизнинг стратегик шериклигимиз аниқ қарорлар, лойиҳа ва дастурлар билан бойитилиши керак. Шу муносабат билан, бизнинг икки минтақамиз ўртасида шериклик ва ҳамкорлик бўйича тўлақонли Битимни имзолаш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Биз, шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидagi муҳим масалалар бўйича умумий позицияларни ишлаб чиқиш учун ташки сиёсат идоралари раҳбарлари учрашувларини доимий ўтказиб бориш, парламентларо алоқаларни фаоллаштириш ва “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” парламентларо ҳамкорлик форумини таъсис этиш ҳамда унинг илк тадбирини шу йил кўзда Ўзбекистонда ўтказиш, етакчи таҳлил марказлари ҳамкорлигини кенгайтиришни таклиф этамиз.

Саммитимизни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш бўйича таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Келишувларимизни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича тизимли ишлаш мақсадида навбатдаги йигилшимизга қадар саммит қотибияти функциясини ўз зиммамызга олишга тайёрмиз.

**Иккинчи. Иқтисодий ва технологик модернизацияга инвестициялар киритиш ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор мезони бўлиши лозим.**

Биз июнь ойининг бошида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликда Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказамиз. Ушбу тадбирда Европанинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати 30 миллиард евродан ортиқ бўлган жорий лойиҳалар портфелини тақдим этиш ниятидамиз.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Европанинг барча бизнес “капитанлари”, sanoat ва инновация соҳалари етакчилари Ўзбекистон ва минтақамиздаги бошқа мамлакатларда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Улар орасида “TOTAL”, “Siemens”, “Linde”, “Airbus”, “BASF”, “IDF”, “Orano”, “OTP Group” ва бошқа кўплаб корпорациялар бор.

Форум жараёнида икки минтақанинг инвестициявий имкониятларига бағишланган алоҳида сессияни ўтказишни таклиф этаман. Ўзбекистонда Европа компаниялари учун Минтақавий sanoat парки концепцияси тақдимотини ҳам ана шу сессияда ўтказишни режа қилаяпмиз.

Шу кунларда Тошкентда Европа инвестиция банки офисини очиш тўғрисида имзоланган битим Европа Иттифоқи мамлакатларидан Марказий Осиега тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантиради.

Европалик шерикларимиз яна бир ташаббусимизни – “Яшил” энергетика, инновациялар, транспорт, инфратузилма соҳаларида ва аграр секторда йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш бўйича таклифимизни қўллаб-қувватлашга умид қиламиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг иқтисодий манфаатларини яқинлаштириш бўйича қатор янги таклифларни билдирмоқчимиз. Бу, энг аввало, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги кўптомонлама битимни имзолаш, хусусий сектор вакиллари кенг жалб этган ҳолда, “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” қўшма савдо палатасини ишга тушириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини, биринчи сайёҳ, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма минтақавий дастурларни қабул қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистонда ўзаро транспорт боғлиқлиги бўйича навбатдаги Иқтисодий форум ва Инвесторлар форумини қабул қилишга тайёрмиз.

Шунингдек, экспорт қилувчиларимиз салоҳиятини ошириш, лабораториялар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш марказларини яратиш учун Европа Иттифоқининг техник кўмагини кенгайтириш муҳимдир.

**Учинчи. Саммит давомида стратегик минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш бўйича қарор қабул қилинади.**

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон геология-разведка, стратегик ҳомаёш материаллари конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасида юқори технологик ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш борасида Европадаги етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилиш бўйича катта ижобий тажрибага эга. Биз бу йўналишда Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ниятидамиз.

Ушбу маҳсулотларни, шунингдек, тайёр sanoat ва қишлоқ хўжалиги товарларини Европа бозорларига етказиб бериш учун самарали транспорт йўлақларининг йўқлиги бунда асосий тўсиқ ҳисобланади. Жумладан, Транскаспий транспорт коридорини кенгайтириш ва юк билан таъминлаш учун ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ва бизнес учун манфаатли шароитларни ишлаб чиқиш зарур. Ишонаман, ушбу вазифалар “Глобал дарвоза” умумевропа дастурининг мақсадларига тўлиқ мос келади.

Шу муносабат билан, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун Европа Иттифоқи шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатларнинг транспорт вазирлари учрашувини қақришни таклиф этамиз.

**Тўртинчи. “Яшил” энергетика ва экологик барқарорликка йўналтирилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.**

Ўзбекистон Марказий Осие минтақасидан Европадаги электр энергиясини етказиб бериш бўйича халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Саммит арафасида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли битимни ратификация қилди.

Таъкидлаш ўринлики, биз 2030 йилга бориб мамлакат энергия балансида қайта тикланадиган энергия улushiни 54 фоизга етказишни, 24 минг мегаватт “яшил” қувватларни ишга туширишни режалаштирмақдамиз.

“Тоза” энергия бўйича “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” шериклигининг йўлга қўйилиши билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг муҳим платформаси яратилиши мумкин.

Шунингдек, “углерод кредитлари” лойиҳаларини

ишлаб чиқишни молиялаштириш ва уларнинг бозорини ривожлантириш учун турдош вазирликлар раҳбарлари даражасида ишчи гуруҳни таъсис этишни таклиф этамиз. Бўлиб ўтиши қутилаётган Иқлим форуми чоғида минтақанинг “Яшил” тараққиёт концепциясини тақдим этамиз.

**Бешинчи. Инсон капиталига инвестициялар таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашувларни кенгайтириш имконини беради.**

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича “ЭРАЗМУС ПЛЮС” дастурлари доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталарни жорий этиш ушбу мақсадга эришишга хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осие мамлакатлари билан илмий-таълим ҳамкорлигини кенгайтириш учун Ўзбекистонда “Уфқ – Европа” дастури офисини очишга тайёрмиз. Бундан ташқари, сунъий интеллект, маълумотлар “катта базалари”, рақамлаштириш, космик тадқиқотлар соҳасида илмий ва технологик алмашувлар бўйича қўшма дастурни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ўзбекистон, шунингдек, минтақа мамлакатларини рақамли таълим соҳасида Европа ҳаракатлар дастурига қўшиш, Марказий Осие ва Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи университетлари ўртасида шериклик борасида “Йўл харитаси”ни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суради.

Европалик мутахассислар иштирокида “Лазги” миллий балетининг сахналаштирилиши маданият соҳасидаги кооперациянинг яққол мисоли бўлди. Европадаги Лувр, Берлин Янги музейи, Вена Бутунжаҳон музейи каби йирик музейларда Марказий Осиенинг тарихий меросига бағишланган кўргазмалар муваффақиятли ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг кузида ушбу заминда, Самарқандда ўтадиган, сунги қирқ йилда Париждан ташқарида илк бор бўладиган ЮНЕСКО Бош конференцияси чоғида барча хорижий шерикларимизни минтақамиз халқларининг бош маданияти ва санъати билан янада кенг таништиришни хоҳлар эдик.

Шунингдек, жорий йилда Бухорода биринчи “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” сайёҳлик форумини ўтказишни режа қилаяпмиз.

Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини жорий этиш асосида “Бир тур – бутун минтақа” концепциясини амалга ошириш, шунингдек, минтақамиз сайёҳлари учун виза режимида соддалаштириш масаласини кўриб чиқишда европалик шерикларимизнинг кўмагига таянамиз.

## Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хавфсизликка нисбатан умумий таҳдидлар, хусусан, терроризм, экстремизм, радикализм, кибержиноятчилик, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Европалик шерикларимизнинг терроризмга қарши курашиш масалалари бўйича мулоқотни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. “ВОМСА” ва “САДАР” дастурлари доирасида ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистонни тинч ривожлантириш масалаларида сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттиришга тайёрмиз. Минг афсуски, жаҳон ҳамжамияти ушбу мамлакат ҳудудидан келиб чиқадиган барча таҳдидларни етарлича баҳолай олмапмиз.

Афғон томонини минтақавий иқтисодий жараёнларга, жумладан, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани қайта тиклаш йўли билан фаол жалб этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун халқаро ҳамжамиятнинг амалдаги афғон ҳукумати билан конструктив мулоқот ўрнатиш муҳимлигини тушуниши ва қўллаб-қувватлашга умид қиламиз.

## Хурматли саммит иштирокчилари!

Сўзимнинг ниҳоясида бизнинг ташаббус ва келишувларимизни амалга ошириш механизмларини жорий этиш муҳимлигини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Шу муносабат билан, “Марказий Осие – Европа Иттифоқи” форматида Бош вазир ўринбосарлари даражасида ҳар йили учрашувлари ўтказиб бориладиган Шериклик қўмитасини таъсис этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

## Қадрли дўстлар!

Барчангизга очик, ишончли ва конструктив мулоқот учун яна бир бор чуқур ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комилки, Европанинг етакчи институтлари ва молия ташкилотлари раҳбарлари Марказий Осиенинг умумий позицияга эга эканлиги, ишончли ва масъулиятли шерик сифатида кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканига амин бўлишди.

Барчангизнинг икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилиниши билан табриқлайман.

Эришилган барча келишувлар ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш учун Саммит қотибиятига, экспертлар билан биргаликда, бир ой муддатда, биз ишчи тартибда тасдиқлашимиз мумкин бўлган “Йўл харитаси”ни тайёрлаш таклифини билдираман.

*Эътиборингиз учун раҳмат.*

# KORRUPSIYA —

## ISLOHOTLAR YO'LIDAGI ENG KATTA TO'SIQ

Joriy yil 5-mart kuni davlatimiz rahbari ishtirokida Korruptsiyaga qarshi kurashish milliy kengashining yig'ilishi o'tkazilib, unda yurtimizda korruptsiyadan xoli muhit yaratish bo'yicha qilingan ishlarga baho berildi va kelgusi vazifalar belgilandi.

“O'ztransgaz” aksiyadorlik jamiyatiga qarashli “Zirabuloq magistral gaz quvurlari” boshqarmasida tashkil etilgan seminar jamoa a'zolarining huquqiy madaniyatini yuksaltirish, ularda korruptsiyaga nisbatan munosabatni shakllantirish masalalariga qaratildi.

“Zirabuloq magistral gaz quvurlari” boshqarmasi mutasaddilari, muhandis-texnik xodimlari qatnashgan ushbu tadbirida dastlab Korruptsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi, uning tarkibi va asosiy vazifalari haqida ma'lumot berildi.

Davlatimiz rahbari tomonidan 55 ta aniq maqsadga yo'naltirilgan tashabbus ilgari surilgani alohida e'rif etilib, ular doirasida 5 ta qonun, 12 ta farmon va qarorlar ishlab chiqilishi, korruptsiyaga qarshi kurashishning huquqiy asoslari kuchayishi, parlament, milliy va hududiy Kengashlar, fuqarolik jamiyati institutlarining roli oshirilishi, deklaratsiyalash, noqonuniy boylik orttirishga

oid yangi tartiblar kiritilishi natijasida korruptsiya omillari cheklanishi ta'kidlandi.

Tadbirda so'z olgan “Zirabuloq magistral gaz quvurlari” boshqarmasi boshlig'i Q.Fayzullayev, korxonada yuriskonsulti U.Bekbayev va personal bilan ishlash xizmati menejeri N.Ochilovlar respublikamiz energetika sohasida o'z o'rniga ega bo'lgan mazkur jamoa a'zolari korruptsiyaga “Jamiyat tanasidagi saraton” sifatida qarab, korruptsiyaviy holatlar ro'y berishiga yo'l qo'ymasligi, korxonada mulkini asrab-avaylashi va jamiyat mablag'ini iqtisod qilishga intilib, ish yuritish zarurligini bildirdilar.

Muhokama qilingan masalalar yuzasidan mas'ul shaxslarga qo'l ostidagi xodimlar bilan korruptsiyaga qarshi kurashishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni o'rganish, ularga qat'iy rioya etilishini ta'minlash, korruptsiyaning oldini olish doir targ'ibot ishlarini yanada kuchaytirish bo'yicha aniq topshiriqlar berildi.



## AKSIYADORLAR DIQQATIGA!

“Jomboy don mahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati jamiyat aksiyadorlarining navbatdagi umumiy yig'ilishini 2025-yil 26-aprel kuni (haftaning shanba kuni) soat 11-00 da Jomboy tumani Jomboy shahri, Buyuk ipak yo'li ko'chasi, 1-uy manzilida joylashgan “Jomboy don mahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati ma'muriy binosi majlislar zalida o'tkazilishi haqida ma'lum qiladi.

Jamiyat aksiyadorlarining navbatdagi umumiy yig'ilishi kun tartibida quyidagi masalalar muhokama qilinadi:  
**UMUMIY YIG'ILISH KUN TARTIBI:**

1. Aksiyadorlar umumiy yig'ilishining ishchi prezidiumi va sanoq komissiyasini saylash;
2. Aksiyadorlar umumiy yig'ilishining reglamentini va kun tartibini tasdiqlash.
3. Jamiyat kuzatuv kengashining 2024-moliyaviy yil yakunlari bo'yicha hisobotini tasdiqlash;
4. Jamiyatning 2024-yil yakunlari bo'yicha yillik hisoboti va 2024-yilning asosiy natijalari hamda 2025-yilda amalga oshiriladigan dolzarb vazifalar to'g'risida boshqaruv raisining hisobotini tasdiqlash.
5. Jamiyatning ishlab chiqarishni mahalliyashtirish, sanoatda kooperatsiya aloqalarini kengaytirish masalalari bo'yicha rais o'rinbosarining hisobotini tasdiqlash;
6. Jamiyatning 2024-moliyaviy yil yakunlari bo'yicha buxgalteriya balansini va moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisoboti hamda foyda va zararlarini tasdiqlash;
7. Jamiyat taftish komissiyasining 2024-moliyaviy yil yakunlari bo'yicha tekshirish hisoboti va xulosasini tasdiqlash;
8. Jamiyatning 2024-yil moliyaviy yil yakunlari bo'yicha tashqi auditorlik tashkiloti “ZAMIN OIL-AU-DIT” MCHJning xulosasi (BHXS, MHMS) hamda 2024-yil uchun SMK, SYK va ularning bajarilishi foizlarining hisoblangan miqdorini tekshirish natijalari yuzasidan jamiyat tashqi auditorining xulosasini eshitish va tasdiqlash;
9. 2024-yil yakuni bo'yicha jamiyat zarar bilan chiqqanligi sabab ustav fondidagi imtiyozli aksiyalarga hisoblanadigan dividend miqdorining belgilanishi va dividend to'lash muddatini tasdiqlash;
10. Jamiyat 2025-yil faoliyati uchun kuzatuv kengashi a'zolarini qayta saylash.
11. Jamiyat ustaviga va nizomlariga qo'shimchalar va o'zgarishlar kiritilgan, jamiyatning yangi tahriridagi ustav va nizomlarini tasdiqlash.
12. Jamiyatning ijroiya organi rahbari va a'zolari bilan tuzilgan mehnat shartnomasining muddatini uzaytirish.
13. Jamiyatda 2025-yil yakuni bo'yicha audi-

torlik tekshiruvini o'tkazish uchun auditor xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlar taklifini ko'rib chiqish hamda ularga to'lanadigan xizmat haqi miqdorini belgilash.

14. Jamiyatning yangi tashkiliy tuzilmasini tasdiqlash.

15. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagi 166-sonli qarorini ko'rib chiqish.

16. “Nazorat audit” xulosasiga ko'ra va jamiyatning 2024-yil 25-noyabr 17-sonli yig'ilish bayon-nomasiga asosan “Uzdonmahsulot” AK tomonidan sug'urta fondi uchun ajratilgan 5 milliard 500 million. so'm muddati o'tgan kreditor qarzdorlikni jamiyatning boshqa daromadlariga olish orqali hisobdan chiqarish masalasi.

Jamiyat aksiyadorlarining navbatdagi umumiy yig'ilishida ishtirok etish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlarning ro'yxatini tuzish hamda umumiy yig'ilish o'tkazilishi haqida xabarnoma olish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlarning reestrini shakllantirish sanasi 2025-yil 2-aprel kuni va umumiy yig'ilishga qatnashish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlarning reestrini shakllantirish sanasi 2025-yil 22-aprel kuni-ga belgilangan.

**Aksiyadorlarni ro'yxatga olish 2025-yil 26-aprel kuni soat 10-00 dan 11-00 ga qadar davom etadi.**

Yig'ilishga aksiyadorlar shaxsini tasdiqlovchi hujjatlari va ularning vakillari amaldagi qonunchilikda belgilangan tartibda tasdiqlangan ishonchnomalar bilan kelishlari so'raladi.

**Murojaat uchun telefon: +99893-344-41-88.**

**Jamiyatning elektron pochta manzili: jomboydon\_aj@mail.ru**

**Hurmatli aksiyadorlar!** Jamiyat aksiyadorlari umumiy yig'ilishi o'tkazilishi to'g'risidagi axborot va boshqa ma'lumotlarni jamiyat aksiyadorlariga sifatli va tezkor ravishda yetkazilishini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq elektron pochta orqali amalga oshirilishini inobatga olib, sizdan elektron pochta manzilingizni (E-mail.) taqdim etishingiz lozimligini ma'lum qilamiz.

**JAMIYAT KUZATUV KENGASHI.**

## Toir MUHAMMADIYEV

Beshafqat o'lim mohir pedagog, Samarqand Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumi o'qituvchisi Toir Muhammadiyevni oramizdan olib ketdi.

T.Muhammadiyev 1963-yilda Past Darg'om tumani Qumqo'rg'on qishlog'ida tavallud topdi. O'rta maktabni bitirib, 1982-1984-yillarda Afg'on urushida qatnashdi. Harbiy xizmatdan qaytgach, Samarqand tibbiyot institutiga o'qishga kirdi. Oliyohoni muvaffaqiyatli tamomlab, ilk mehnat faoliyatini institutda laborant sifatida boshladi. 1991-yildan Samarqand shahrining 1-shifoxonasida vrach, keyinchalik Samarqand tayanch tibbiyot kolleji o'qituvchisi, farmatsiya bo'limi boshlig'i vazifalarini sidqidildan ado etdi. 2020-yildan Samarqand Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumi o'qituvchisi sifatida mehnat qilib kelayotgan edi.

Tajribali shifokor, fidoyi pedagog T.Muhammadiyev mahalla ishlarida ham faol edi.

Bir muddat o'zi istiqomat qilayotgan Ko'ksaroy mahallasiga raislik ham qildi. Mahalla obodligi, jinoyatchilikning oldini olish, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga munosib hissa qo'shdi. Bag'rikengligi, olijanoblighi va insonparvarligi bilan mahallada, hamkasblari orasida alohida hurmat qozongandi. U qayerda bo'lmasin, mas'uliyat va fidoyilik bilan ishladi, o'ziga munosib shogirdlar tayyorladi. Uning bu jonkuyarligi shahar hamda viloyat hokimliklarining faxriy yorliq, tashakkurnomalariga loyiq ko'rildi.

Ajoyib inson, tibbiy sohaning fidoyi pedagogi va jamoatchi Toir Muhammadiyevning porloq xotirasi qalbmizda saqlanadi.

**SAMARQAND ABU ALI IBN SINO NOMIDAGI JAMOAT SALOMATLIGI TEXNIKUMI KASABA UYUSHMA QO'MITASI HAMDA KO'KSAROI MAHALLA FUQAROLAR YIG'INI.**



## ANJUMAN O'TKAZILADI

SamDCHTI Payariq XTF umumiy fanlar kafedrasini tomonidan 2025-yil 16-aprel kuni “Xorijiy tilni o'qitishdagi dolzarb metodik, lingvistik masalalar va yondashuvlar” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o'tkaziladi.

**Murojaat uchun telefon: +99899-073-35-43.**

**E-mail: muhiddinesirgapov@gmail.com**  
**Telegram: @Muhiddin7799**

### OCHIQ MA'RUZA O'TKAZILADI

**SamDTU terapevtik stomatologiya kafedrasini mudiri professori T.E.Zoyirov va SamDTU gematologiya kafedrasini katta o'qituvchisi, PhD., A.G.Madasheva bilan 2025-yil 23-aprel kuni soat 8:00 da integratsiyalashgan ochiq ma'ruza o'tkaziladi.**

**Mavzu:** “Gematologik kasalliklarining tish to'qimalariga ta'siri”.

**Manzil:** SamDTU terapevtik stomatologiya kafedrasini ma'ruza zali.

\*\*\*

### DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Qodirov Ulug'bek Tolibovich notarial idorasida marhum Xodjayeva Nodira Xamrayevnaga (2015-yil 30-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Qodirov Ulug'bek Tolibovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Shohrux Mirzo ko'chasi, 26-uy.**

\*\*\*

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ortiqboev Aziz Azamatovich notarial idorasida marhum Tuvlov Abdulqodirga (2024-yil 27-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ortiqboev Aziz Azamatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.**

\*\*\*

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasida marhum Kubayev Davronga (2019-yil

22-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 110-uy.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasida marhum Muxtarov Rustamga (2024-yil 24-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 132-uy, 2-xona.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasida marhum Pulatov Nemat Raximovichga (2023-yil 27-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 156-uy.**

\*\*\*

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Kamalova Xikmatga (2024-yil 16-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasida marhum Djabbarov Narziga (1995-yil 19-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Zikirova Shahlo Habibovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 156-uy.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasida marhum Xamrakulova Radiyaga (2020-yil 30-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 121-uy.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasida marhum Vaxidov Ashurkulga (2024-yil 10-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri O'zbekiston ko'chasi, 35-uy.**

\*\*\*

Past Darg'om tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ahatov O'Imas To'rayevich notarial idorasida marhum Djumayev Nurmamat Rahmatovichga (2024-yil 1-oktabrda vafot etgan)

tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ahatov O'Imas To'rayevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Past Darg'om tumani Juma shaharchasi, Nodirabegim ko'chasi, 26-uy.**

\*\*\*

Toyloq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Hasanov Aloviddin G'iyosiddin o'g'li notarial idorasida marhum Ismatullayev Xikmatulloaga (2024-yil 4-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Hasanov Aloviddin G'iyosiddin o'g'li notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Toyloq tumani Toyloq shaharchasi.**

\*\*\*

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Xodjayev Farrux Farxodovich notarial idorasida marhum Yuldashev Xolmurodga (2008-yil 14-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Xodjayev Farrux Farxodovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

**Manzil: Samarqand shahri Chuqur yo'l ko'chasi, 9-“B” uy.**

\*\*\*

### BEKOR QILINADI

Samarqand tumanidagi “CARDINAL PHARM” mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 306237221) dumaloq muhri yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

\*\*\*

Samarqand tumanidagi “FIRDAVS FAXRIDDINOVICH MEBELLARI” oilaviy korxonasi (STIR: 306399622) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Мутолаа



«Юзи мовий, ичи мафтункор» китоб бўлишни истайди, токи, ҳар варагидан «Жаннат исматлари» таралса («Орзу»).

У Ватаннинг азиз тупроқларига борини сочмоқ учун сўз баҳрига чўкишни истайди, сўнг ич-ичидан ният қилади: «Уқилсайдим икки дунёда».

Ишқивор бу дилга дунёнинг қизиғи йўқ. Унинг қувончу дарди ҳам, завқу изтиробини ҳам – МУҲАББАТ!

## Эзгуликнинг ранглари тиниқ

«Бошимга савдолар солгонни бергин, Мендан юрагимни олгонни бергин».

(«Бер муга»)

У – шоира. Катта қалб соҳибаси. Дунёни, борлиқни инсон тафаккури учун ҳавас ва манба сифатида («Икки дунё орасидан ўтгунча») кўради. Умр – синов майдони. Негаки, у гоҳо «тўзиб ётган бир чопонга тенг», гоҳо «денгизлардек сероб, кўнгли кенг» ёки гоҳо «...аттор чақасига тенг», гоҳо «икки қошининг орасига тенг».

У ана шу умр орасида ота-онасининг улуғворлигини кўради. Улардан олган меҳр ва сабоқларини кўзига суртади: «Бахт демасди, бахти – биз эдик» («Меҳмоним онам»).

У ана шу умр орасида яхши-ёмонни, оқ-қорани танийди, яхши-ёмон кунларини одамлар билан баҳам кўради. Бу жараёнда У самимий инсонлар муносабатидан баҳра олади. Лоқайдлиги гофиллик, ҳасад ва жаҳолатдан озор чекади. Аммо ҳар бир ҳолат ўзи учун тақдирнинг бир синови эканлигини англайди. Бу англашлар ишқивор қалбида шеър бўлиб туғилади:

«Шамолларга дўст бўлдим,  
Ишқи тутди бўғзимдан».

«Икки тараф, икки йўлдан  
бормоқдамиз,  
Бир манзилга икки олам  
ишқин ичиб».

«Икки дунё саросар, икки дунё  
рост эрур».

(«Оқ ва қора»)

Лекин У Яратгандан ҳамма учун фазилат тилайди:


«Қалбини бер, ишқини бер,  
аҳдини бер».

(«Бугун»)

У ҳар қандай ҳолатда ҳам одамларни севади, ёнидагиларни қадрлайди, уларга интилади:

«Мени ёқлаганлар, мени севганлар  
Меҳри шуъла сочиб турар кўшдек».

У дунё лаззатини фақат ишқда кўради. Чунки фақат ишқ туйғули дунёни англаш мумкин. Одамлар фақат ана шу туйғу боис



ҳазрати инсондир, деб билади. Севгига бағишланган умридан фахрланади:

«У кунларнинг номи МУҲАББАТ эди!». Бинобарин, қалби ҳимматга, эзгуликка тўла шоира ўқувчиларидан дил сўзларини яширмайди:

«Сен манфаат анжомини нари сур,  
Манфаат-ла одим отмоқ ор бўлур.  
Яхшиликка яхшилик тугулмасанг,  
Икки дунёнг сарвати абгор бўлур»  
(«Бўлур»)

Бу хулосаларим филология фанлари номзоди, ургутлик таниқли шоира, 20 дан зиёд тўпламлар муаллифи Жумагул Сувонованинг «Маҳорат» нашриётида ўтган йили охирида чоп этилган «Оқ ва қора» шеърини тўпламидан олган илк таассуротларимдир. Биноийдек ёшида, тагин, Самарқанд дорилфунунда ёшларга таълим бериш жараёнидан ортиб, ижод қилишининг ўзи таҳсинга лойиқ. Бунинг устига «Ишқ кўчасин сўпуриб», «Улим билан энгиб бўлмас ҳаёт бергин», «Мен-чи, ювиб бораман дил томирларини», «Ялдо кунни тўқилдим, Суқунатлар сўзлади», «Оппок ридоларга бурканган хаёл» каби ташбеҳларни яратиб ҳам маҳоратдан ташқари, катта билим ва фаросат ҳам талаб қилади. Ва, бундай ютуқлар билан шоирамизни табриқласак арзийди.

Ишонаманки, азиз муштарий, Сиз ҳам бу китобни варақлар экансиз, СУЗ ҚАДРИНИ УЛУГЛАЁТГАН шоирамизнинг маҳоратидан сатрларга айланган туйғуларга чинакам ошно бўласиз.

Фармон ТОШЕВ.

– Ота, ишга бориб келишга қийналялман. Машина олишга озроқ пулим етмайпти, ёрдам беролмайсизми? – Саттор илинж билан отасига қаради.

Хошим бува ёстиқни биқинига қулайроқ тортиб, тирсаги билан хонтахтага суянди. Сатторни яхши билади, топиш-туттиши ёмон эмас. Лекин баракаси йўқ, ўйламай сарфлайверади. Агар ақл билан ишлатса, аллақачон битта машинага эмас, иккита машинага пули етарди.

– Майли, ёрдам қиламиз, чол-кампир йиғиб қўйган пенсиямиз бор. Лекин машина олганидан кейин қайтарасан. Қарз. Кундан ўтаман, аммо тийинидан ўтмайман.

– Раҳмат, ота! Албатта тийин-тийинигача қайтараман. Неварангизнинг контракти ҳам тугайди, ўқишни битиряпти, на-сиз бўлса, у ҳам ишлайди.

Саттор машинали бўлган, ота қарзини узиш учун ҳар бир сўмни ҳисоб-китоб қиладиган бўлди.

– Дадам шундоқ ҳам ёрдам



Турмуш чорраҳаларида



Уларни кўриб, чол-кампирнинг димоғлари чоғ бўлди. Ака-укалар, овсинлар, набиралар қувончини кўриб, Хошим мома айниқса, ўзини қўярга жой тополмасди. Зиёфат тугаб, дастурхонга фотиҳа ўқилган, Саттор отасининг олдига бир даста пул қўйди.

– Қарзингиз, ота, сал кечикиб қайтарялман, узр, йиғиш бироз чўзилиб кетди.

– Ҳечқиси йўқ, ўғлим, пулни тежашни ўрганганингнинг ўзи катта гап. Бундан буёғи ҳеч қачон пулга зор бўлмайсан, – Хошим бува пулни салмоқлаб кўргач, қайтариб Сатторнинг олдига қўйди. – Ол, заруратингга ишлатасан, онанг билан оладиган пенсиямиз ўзимизга етади. Хафа бўлма, сенга пул бераётганимда атайлаб қарз дегандим. Хурсандман, ўғлим, пулни қадрлашни ўрганибсан, мухтожлик кўрмайсан.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

қилсалар бўларди, қарз демай. Ана, укаларингизга машина олиб бериб қўйибдилар-ку, – деди Мастура қайнотасидан ранжиб.

– Ношукур бўлма, хотин, мана бу дангиллама уйни қуриб бит-казгунча озмунча пули кетдимми? Майли, машинага берган қарзини насиб бўлса қайтараман, – деди Саттор.

«Ҳисобини билмаган, ҳамёнидан айрилар», пул топиш қийин, уни ақл билан ишлатиш ундан

ҳам қийин, деб бежизга айтишмаган экан. Саттор отасининг қарзини тўлайман деб бунга гувоҳ бўлди. Қарзни тўлагач, йўлга отланди.

– Қани, болалар, қани, хотин, машинага мининглар, қишлоққа кетдик. Ота-онамни, укаларимни кўриб, бир яйраб келамиз, байрам муносабати билан уч кун дам олиш куни. Бирйўла отамнинг қарзини бериб келамиз...

Китоб жавонингизда



## «Қўшрабат алломалари»



Қўшрабат туманининг Озод маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, халқ маорифи аълочиси Исматилло Бойқобилов муаллифлигида шу номдаги китоб нашрдан чиқди.

Китобда Қўшрабат тумани ва унга тугаш бўлган ҳудудларда яшаб ижод қилган, тасаввуф илми тараққиётига ҳисса қўшган ватандошларимизнинг ҳаёт йўли, уларнинг бизгача етиб келган маънавий-маданий ва илмий меросига оид тарихий маълумотлар келтирилган.

Хусусан, китобда замонларни замонларга боғлаган нақшбандия тариқати давомчилари, шовалик Домла Камалиддин Шоваий, Темирхон Эшон Ҳожи Орлотий, Хусан Хатиб Қийкикий, Ҳазрат Абулқосим Ҳасанбобо ва бошқа улуғ маърифат фидойилари ҳаёти ҳамда уларнинг бой маънавий мероси ҳақида қимматли маълумотлар битилган.

Китоб 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчиси «Қўшрабат алломалари» бўлса, иккинчи қисм «Насабнома» деб номланган. Иккинчи қисмда туман ҳудудида жойлашган тарихий қишлоқлар ҳақида маълумотлар, таниқли шахсларнинг шажаралари ўрин олган.

Муаллиф асарда келтирилган маълумотлар тарихий ҳақиқатни англаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Муяссарбону СИРОЖИДДИНОВА.



## Юз йиллик мустамлака тарихи

босмачилар ким эди?

«Туркистон 1917 йилда муҳим сиёсий ўзгаришлар арафасида турарди. Минтақа халқлари Россия империясининг эллик йиллик мустамлакачилик зулмига қарши тинимсиз равишда миллий озодлик курашини олиб борди. Дастлаб маърифатпарварлик ҳаракати сифатида вужудга келган жадидчилик Туркистон тақдири ҳал қилинаётган паллада ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқди.

Аммо Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1918 йил февраль ойида совет режими томонидан қонга ботирилиши маҳаллий халқларни жунбушга келтирди. Минтақа туб аҳолисининг ўз тақдирини тинч йўл билан ўзи ҳал қилиши ва миллий мустақилликка эришиш ҳуқуқи большевиклар томонидан рад қилинган, улар мустақилликка эришиш учун қуролли кураш йўлини танлашларига тўғри келди. Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан 1918 йил бошларида ўртага ташланган «Ҳақ олинур, берилмас!» шiori бутун миллатнинг жанговар қақирғига айланди.

Афсуски, мустақиллик учун олиб борилган озодлик ҳаракатлари босмачилик ҳаракати номи билан тарихда қолди».

Ушбу жумлалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабовнинг «Туркистон минтақасида совет режимига қарши истиқлолчилик ҳаракати ва моҳияти (1918-1935 йиллар)» китобидан ўрин олган. Китобнинг дастлабки саҳифаларини ўқиб экансиз, Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидаги 100 йилдан ортиқ давом этган кураш ҳақиқатини очиш, уни рўй-рост халқимизга етказиш йўлидаги мақсади ва меҳнатини эътироф этасиз.

Олимнинг «Фан» нашриётида 2022-2025 йиллар давомида чоп этилган «Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1991)», «1924: Туркистоннинг парчаланиши» ҳамда икки жилдлик «Туркистон XX асрда» номли китоблари ҳам бугунги куннинг катта воқеаси бўлди.

Бир-бирини тўлдирувчи ушбу китобларда Туркистон минтақасида совет режими қарши умумхалқ ҳаракатининг ғоявий-сиёсий илдизлари ва озодлик ғояларининг кучайиб бориши, совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг моҳияти очиб берилган, минтақадаги қуролли ҳаракатнинг асосий ривожланиш босқичлари ҳудудий ва хронологик тартибда таҳлил этилган.

Асарнинг жадидлар ва тараққийпарварлар – истиқлолчилик ҳаракатининг

ғоявий раҳнамолари қисмида Мустафо Чўқай, Носирхон Тўра, Садриддинхон Шарифхўжаев, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Тўракул Жунуззоков, Усмон Хўжа, Амир Саид Олимхон, Аҳмад Заки Валидий Тўғон каби шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки билан боғлиқ фикрлар китобнинг қийматини янада оширган.

Асарнинг «Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши қуролли кураш» деб номланган қисмида Ўзбекистон ССРда истиқлолчилик ҳаракатининг сўнгги босқичи ва унинг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, Фарғона водийси, Самарқанд вилояти, Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги жанглар ёритилган. Шу билан бир қаторда, Тожикистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайиши сабаблари, асосий жанглар, етакчи кураш раҳбарларининг фаолияти ва мағлубият сабаблари кенг таҳлил этилган.

Ушбу асарлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида сақланаётган архив ҳужжатлари, ёпиқ фондлардаги «мутлақо махфий» маълумотлар ҳамда ўша давр матбуоти материаллари асосида ҳолис ва ҳаққоний ёзилган. Айтиш мумкинки, ушбу китоблар тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг бутун илмий фаолияти махсулидир.

Сулаймон МАРДИЕВ.

## Яхши кўнгиш жаннат кабидур

Ҳалок этар тилганин, тигга айланса пичоқ,  
Ер тепмас йиқилганин, аксинча, очар кучоқ.  
Етказгай бошни кўкка кўнгилдаги муҳаббат,  
Ишқини ўйин билганин ишқ қилади ўйинчоқ.

Элда бордир шундайин нақл:  
Ёшда эмас, бошдадир ақл.  
Мартбага етарсан, фақат,  
Фикру ўйинг бўлса мустақил.

Ким айтди, эл ғамингни емас,  
Халқ бекорга бир нарса демас.  
Дахлсиз ёш тўқилмас кўздан,  
Кулишинг ҳам бесабаб эмас.

Баъзан моҳир сайёд ҳам ўлжасиз қайтар овдан,  
Қафолат йўқ машаққат чекмай ўтмоқлик ғовдан.  
Қисмат, дея хатосин бўйнига олса ким – мард,  
Аҳли нодон, вожаб, айб изларкан бировдан.

Тун гўзал, гар юлдузли, ойли,  
Бойсан, бўлсанг маконли, жойли.  
Жаннат шу деб биласан, агар  
Кўнгиш ўйинг бўлса чиройли.

Бир дамга паришон бўлсам, майлими?  
Йиғласам майлими, кулсам майлими?  
Бир умр соғиндим амрингизни деб,  
Ишқ учун ошқидек ўлсам майлими?

Ёш эдим, ўйлардим, одамга қулман,  
Улғайиб англадим, одамга қулман.

Оқ сочим ҳурмати, этдилар озод,  
Қутилдим деганда, боламга қулман.

Берганга шукур қилгин, еган тузни ўйласанг,  
Нафс назарин кўр айла, қошу кўзни ўйласанг.  
Бир қиё боққанинга тушар минглар назари,  
Етар, тафаккур қилгин, фақат ўзни ўйласанг.

Осон дема ҳар ишни, қийин бўлиши мумкин,  
Айни дам ҳал бўлмаса, кейин бўлиши мумкин.  
Вақт, эҳтиёж, маврид қадрни белгиларкан,  
Шу бебаҳо эртага бир тийин бўлиши мумкин.

Кул қилар чўп ғарамин учқун тегиб, ёнган хас,  
Сут тошмагай оловнинг алангасин қилсанг пас.  
Сукут – сабр сувидан ўчгай ғазаб, сабр ҳам,  
Сўз ўрнига гоҳида нигоҳ ташлаб қўйсанг бас.

Бир гапни кўп айтарди отам,  
Бир ёндан ютқаздим, ютдим бир ёндан.  
Қанчамас, иш қандай бўлгани муҳим,  
Сифатни толганман бой бериб сондан.

Асл зотлар ёш кетди, эҳ воҳ,  
Яхшиларга бунча тор дунё,  
Ёмонларга чора йўқдайин,  
Дўзах тўлиб қолдимикан э?

Хўршид НУРУЛЛАЕВ,  
«Нуроний» жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси.

Баҳор илҳами



Менгазгани рост, замин онадек қилар тоқат,  
Едириб, ичирса ҳам, қилмади унга шафқат.  
Ҳатто жонсиз қолсақ ҳам у бағрига олди, ох,  
Ерни бир умр топтаб, кўкка талпиндик фақат.

Мукамаллик ҳаққа хос, бандасига каму кўст,  
Дилларга нифоқ солган баҳсдан муроса дуруст.  
Кўнгиш қулфин очса ҳам кўзда меҳрини кўргас,  
Сукут беҳад малҳамдур дардлашгани келса дўст.

Инсон умри кўёшин бевақт ботгани ёмон,  
Нохос дард ётқизгани, ғам уйғотгани ёмон,  
Яхшиларнинг ёмони, ёмонларнинг яхшиси,  
Душман илтифоти ва дўстни сотгани ёмон.

Ўзни асрагин аё, омон-эсон бўларсан,  
Ҳақ васлини истаб эҳсон бўларсан.  
Омонат жонингни авайлаб, аммо,  
Ўққа-чўққа урсанг, инсон бўларсан.

Бир гапни кўп айтарди отам,  
Бир ёндан ютқаздим, ютдим бир ёндан.  
Қанчамас, иш қандай бўлгани муҳим,  
Сифатни толганман бой бериб сондан.

Асл зотлар ёш кетди, эҳ воҳ,  
Яхшиларга бунча тор дунё,  
Ёмонларга чора йўқдайин,  
Дўзах тўлиб қолдимикан э?

Хўршид НУРУЛЛАЕВ,  
«Нуроний» жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 509 nusxada chop etildi. Buyurtma 164. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda